O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 4 октябрь, шанба № 120 (1852). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 4 октября, 2003 г. № 120 (1852). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

АМПУТАНТ — НОГИРОНЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Барчангизни—меҳмондўст Ўзбекистон диёрида илк маротаба ўтказилаётган чемпионат қатнашчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, ўзбек халқи ўзининг асрлар мобайнида қарор топган ва мустақиллик йилларида ривожланган меҳр-шафқат ва бағрикенглик анъаналари билан шуҳрат қозонган.

Биз спортни ривожлантиришга, спортчиларимизнинг мусобақаларда иштирок этишига алоҳида эътибор бериб, халқаро чемпионатларни ташкил этар эканмиз, сизларнинг бугунги чемпионатингиз, умуман спорт, мусобақа майдонларидаги беллашувлар руҳи тинчликни ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашни яхши биламиз.

Бизнинг мамлакатимиз бундай мусобақалар ташкил қилишга ҳамиша эътибор бериб келмоқда ҳамда икки маротаба олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган ўз футболчиларининг ютуқлари билан фахрланади.

Давлатимиз ҳақли равишда эзгулик ва меҳр-шафқат ғалаба қозонадиган шундай мусобақалар ўтказиладиган марказларнинг бирига айланиб бораётганлигини кўриш қувонарлидир.

Азиз мусобақа қатнашчилари!

Сизлар барча қийинчиликларга, синов ва машаққатларга қарамай, ҳаётий куч, ғалаба иштиёқи, келажакка ишонч каби—ҳурмат ва таҳсинга лойиқ фазилатларни сақлаб қолдингиз. Сизлар чинакам мардлик ва матонат намунасидирсизлар.

Сизларга — турнир қатнашчиларига — спортда муваффақиятлар ва омонлик тилайман. Қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминида ўтказган кунларингиз қалбингизда ғоят самимий ва унутилмас таассуротлар қолдиришига астойдил ишонаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

● ФУТБОЛ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари бўйича нуфузли мусобақаларни ўтказиш анъанага айланган. Яқинда Тошкентда теннис бўйича Осиё чемпионати зўр муваффақият билан ташкил этилган эди. Шу кунларда пойтахтимиз яна бир нуфузли мусобақа — ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жаҳон чемпионатига мезбонлик қилмоқда.

Тошкентдаги «Жар» спорт-согломлаштириш мажмуи стадионида мазкур чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жаҳон чемпионати қатнашчилари ва меҳмонларига табригини Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К. Юсупов ўқиб эшитирди.

— Гўзал ва бетакрор юртингизда ҳар қандай спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этилишини биламан, — деди Ногиронлар халқаро футбол федерацияси президенти Томас Фёллер. — Дунёнинг энг кучли терма жамоалари иштирокида ўтказилаётган мазкур жаҳон чемпионати ҳам иштирокчилар хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолади.

Шундай қилиб, ампутант-ногиронлар ўртасида дунёдаги энг номдор — Бразилия, Россия, Украина ва Ўзбекистон терма жамоалари иштирокида жаҳон чемпионати бошланди.

Биринчи турда Ўзбекистон терма жамоаси украиналик футболчиларга қарши майдонга тушди. Кескин ва муросасиз кечган баҳс 3:1 ҳисобида футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. Ўтган галги жаҳон чемпионатида энг яхши тўпурар совринини қўлга киритган ҳамюртимиз А. Шукуров меҳмонлар дарвозасини икки бор аниқ нишонга олган бўлса, А. Абдурахмонов учинчи голни киритди. Украиналикларнинг жавоб тўпи Д. Шафалюк ҳисобига ёзилди.

Бразилия ҳамда Россия терма жамоалари ўртасидаги учрашувда Клаудио ва Элизео йўллаган голлар бразилияликларга ғалаба келтирди — 2:0.

Мусобақалар давом этмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

Алоқачилар қисмининг командири подполковник Акром Акбаров билан машқлар майдони — полигонни кезиб юрибмиз. Осмонда вертолёт учувчилари машқ ўтказишмоқда.

— Осмондаги барча ҳаракатлар, — дея гап бошлади подполковник, — ердан бошқарилади.

Бу борада кўп нарсани билмаганлигим сабабли ажабланиб унга қарадим.

— Ҳайрон бўлманг. Учишни бошқариш марказидан буйруқ берилгач, вертолёт ҳавога кўтарилади. Кейинги осмондаги барча машқлар ҳам ердан берилган кўрсатма орқали амалга оширилади. Буларнинг барчаси алоқага келиб тақалади. Яхши алоқа — яхши машқлар гарови.

Шу вақт шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Алиҳонов подполковник А. Акбаровни радиостанцияга чақириб қолди:

— Ўртоқ подполковник, ер билан ҳаводаги вертолёт ўртасидаги алоқада негадир узилишлар бўляпти, сабабини билолмаяпман.

Подполковник А. Акбаров машинада жойлашган радиостанциянинг ичига кириб кетди ва тезда орқасига қайтди.

— Ҳаммаси жойида. Тўлқиннинг йўли тўсилибди. Узилишлар шу боис экан.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Алоқа соҳасида ҳам майда-чуйда камчиликлар юз бериб туради. Баъзан каттароқ муаммолар ҳам чиқиб қолади.

Капитан Акбар Аҳмедов алоқа тармоғи бошлиғи.

— Бизда, — дейди у, — ўз касбини жон дилидан севувчи, билимдон, тажрибали алоқачилар хизмат қилишади.

Шу боисдан ҳам хизматимизда жиддий камчиликларга йўл қўйганимиз йўқ. Йўл қўймаймиз ҳам. Ҳамиша командир ва бошлиқларимиздан илиқ гаплар эшитиб келяпмиз.

Бу гапларнинг бўлиб ўтганига ҳам икки-уч ҳафта бўлиб қолди. Ҳозир алоқачилар ҳам машқлар майдони, амалиётдан қониқиш билан қайтишиб, яна назарий билимларини ошириш билан овора.

Ҳадемай барча қисм ва бўлинмаларда якуний синов машғулотлари бошланиб кетади. Ўз касбининг усталари — алоқачилар ҳам бу синовларга жиддий тайёргарлик кўришяпти. Йил бошида ўтилган сабоқлар такрорланяпти. Адабиётлар, улардан ёзиб олинган муҳим қайдларга қайта-қайта кўз ташланиб, такрор-такрор мутолаа авжга чиққан.

— Орамизда қолоқлар бўлмайди, — дейди подполковник Акром Акбаров. — Бу гапларни ишонч билан айтишимнинг боиси бор. Сафдошларимизнинг барчаси бир неча бор синалган, ҳар гал синовлардан муваффақиятли ўтган хизматчилар. Бунинг устига йил давомида назарий ва амалий билимлар ҳар томонлама пухта ўзлаштирилди. Шундай бўлгач, синовлардан чўчирмидик.

Подполковник
Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Шартнома бўйича кичик сержант Исомиддин Абдуллаев командирлик қилаётган бўлинмада хизмат қилаётган оддий аскар Тўлаган Чорнев қишки ўқув мавсумини аъло натижалар билан якунлаган эди.

— Яқинлашиб келаётган якуний синовлардан ҳам муваффақиятли ўтишга тайёрман, — дейди ишонч билан Тўлаган.

Александр МРУЧАК олган сурат.

Кичик командирлар хурсанд

Радиостанция бошлиғи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Панжи Эгамбердиев ўз қўл остидаги муддатли ҳарбий хизматчи оддий аскар Зайниддин Пардаев ҳақида мамнунлик билан шундай деди:

— Тартибли, интизомли. Бирор бир топшириқ берсангиз аввало обдон тушуниб олади. Кейин бажаришга киришади. Бажарганда ҳам қойилмақом қилиб бажаради. Касби моторист. Радиостанцияни ток билан таъминлайди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаяпти.

Автомобилчилар бўлинмаси командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шовқиддин Зиёдуллаев ҳам ўз қўл остида хизмат қилаётган оддий аскар Саид Алимовдан беҳад хурсанд эканлигини баён этди:

— Оддий аскар Алимов ҳар томонлама яхши тарбия кўрган йигитлардан. Айниқса, ҳайдовчилик касбини жуда яхши эгаллаган. Шу боис унинг жанговар машинаси ҳамиша соз ва топшириққа шай туради. Унга ҳар қандай топшириқни ишонч билан топширса бўлади.

Айни кунларда ўз кичик командирларини аъло хизматлари билан севинтириб юришган оддий аскарлар Зайниддин Пардаев билан Саид Алимовлар якуний синовларга пухта тайёргарлик кўришмоқда.

— Барча тайёргарликлардан фақат аъло натижаларни қўлга киритмоқчиман, — дейди Зайниддин.

— Текширувчилар баҳони қизғанишмаса бўлди, — дейди кулиб Саид. — Энг юқори баҳосини ўзим оламан.

Шундай бўлишига бизда ҳам шак-шубҳа йўқ. Чунки уларнинг барча ўқув машғулотлари бўйича тайёргарликлари кўнгилдагидек. Умумҳарбий Низомларни пухта ўзлаштиришган. Булар синовлардан қоқилмай ўтишларига кафолат эмасми?!

Подполковник
А. БАЙРАМОВ.

● «ПАХТА-2003»

ЭЛ РИЗҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ!

Пахтакорларимиз учун жуда муҳим палла бошланди. Уйил бўйи қилган меҳнатининг самарасини кўриш — юксак хирмон кўтариш ташвишида.

Шу боис, бу жараёнга юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро бефарқ қарамаслиги, айниқса, деҳқонга панд бермоқчи бўлаётганларга нисбатан муросасиз бўлиши лозим. Ҳар йили терим мавсуми бошланиши билан пахтанинг орқасидан чўнтагини қапайтиришни кўзлайдиган олғирлар пайдо бўлиб қолиши ҳам сир эмас.

Пахтани мамлакатимиз ташқарисига ўғринча олиб чиқиб сотиш ёки қишлоқ хўжалиги техникаси ва ёқилғи-мойлаш материалларини шахсий манфаатларига ишлатувчилар ана шундай шахслар жумласидандир.

Шу йилнинг 23 сентябрида Президентимиз Ислом Каримов пахта ҳомашёсини нестнобуд қилмасдан йиғиб олиш, унинг талон-тарож этилишига йўл қўймаслик, айниқса, уни республика ташқарисига чиқиб кетмаслигини таъминлашга қаратилган Фармойишга имзо чекди. Шунингдек, «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Республика Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари ходимлари ижчил чора-тадбирларни амалга оширяпти.

Пахта йиғим-терими мавсумида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жойлардаги ички ишлар идораларида «Пахта—2003» тезкор штаблари тузилди. Хусусан, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари қўшни мамлакатлар билан чегарадош туманлардаги кузатув масканларида маҳалла чегара посбонлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар вакиллари билан ҳамкорликда самарали фаолият олиб боряпти. Бундан ташқари, чегара ҳудудларида отлиқ милиция ходимлари ҳизмати ташкил этилди. Кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, мавсум бошидан буён биргина Андижон вилоятида янги ҳосилни талон-тарож қилиш билан боғлиқ 27 ҳолат аниқланган. Ҳуқуқбузарлардан 797 кг пахта ҳомашёси мусодара қилинди. Ачинарлиси шундаки, баъзи фуқароларимиз шахсий манфаати йўлида ўз элининг ризқини қийишдан орқилмаяпти. Шундайлардан бири Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ ширкат хўжалиги 11-бригадаси табелчиси Ҳусанхон Ҳакимовдир. У қирғизистонлик Фарҳод Эргашевга пахта ҳомашёсини сотгани аниқланди.

Президентимизнинг номи зикр этилган Фармойиш ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар давомида департамент органлари ходимлари ўтган ҳафтада иккита ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлади.

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Н. Эсонтурдиев номидаги ширкат хўжалигидаги техника ва эҳтиёт қисмлар саноқдан ўтказилганда, бўлим собиқ мудҳандиси А. Ҳамроев ҳамда устахона мудири Э. Хўжакелдиев 2,5 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмларни ўзлаштириб юборгани маълум бўлди.

Каттақўрғон туманидаги «Буюк Турон» ширкат хўжалиги ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари омбори мудири А. Пўлатов эса хўжаликка тегишли 2030 литр дизель ёқилғисини хусусий корхонага сотиб юборган.

Мазкур қонунбузарликлар борасида ҳозир суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

ГАУБИЦА БЬЕТ В ЦЕЛЬ

В воинском коллективе артиллерийской батареи старшего лейтенанта Улугбека Баратова в соперничестве огневых расчетов уверенную заявку на лидерство сделал расчет под командованием младшего сержанта по контракту Хамида Дарханова.

Вот и на последнем полевом выходе, где проводились зачетные контрольные стрельбы, высокие результаты взвода лейтенанта Фарруха Ходжибалаева во многом были достигнуты благодаря меткой стрельбе данного расчета. И сам командир орудия, и старший наводчик рядовой Абдурашид Абдурахманов, и номера расчета рядовые Шарофиддин Карабаев и Отабек Каримов — все действовали, как хорошо отлаженный механизм. Не возникало проблем и при смене огневых позиций — ведь водитель рядовой по контракту Нуриддин Сейтбеков заранее позаботился об исправности вверенной техники, поэтому гаубица оказывалась в нужное время в требуемом месте.

Снаряды ложились точно в цель, но кажущаяся легкость и непринужденность артиллеристов были обманчивы — за ними стоял кропотливый многодневный труд. В преддверии итоговой проверки воины вновь укрепили уверенность в своих силах, разящей мощи своего грозного оружия.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвар».

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

Настойчивость берет верх

В треск автоматных и пулеметных очередей, звонким эхом отдающихся на обширных просторах полигона, то и дело вклинивался гул мощных разрывов — это работала минометная батарея старшего лейтенанта Акмаля Набиева, причем выполняла она огневую задачу безукоризненно. Основной миномет, расчет которого возглавлял младший сержант Хуршид Мирзавалиев, первыми же выстрелами поразил цель в нужном квадрате. Но она была не единственная. Корректировки следовали на огневую позицию одна за другой, однако вывести из равновесия признанного мастера меткой стрельбы наводчика рядового Олима Ахронова они не могли. Воин четко ориентировался в то и дело меняющейся ситуации и в мгновение ока вносил нужные поправки — мины по-прежнему ложились в строго указанный сектор.

— Секрет мастерства минометчиков предельно прост, — говорит начальник штаба подразделения старший лейтенант Сарвар Норов. — он заключается в эффективном использовании учебного времени. Находясь в месте постоянной дислокации или на полевых занятиях, воины трудились основательно. Тщательно изучались правила стрельбы, множество раз отрабатывались практические элементы, и, как видите, результат не заставил себя ждать. Уверен, что и на итоговой проверке действия минометчиков будут такими же выверенными и хладнокровными.

Уверенность офицера подкупает, хотя и не разделять ее нет никаких оснований, поскольку итоги стрельбы, действительно, впечатляли, при этом они были постоянными, а это уже свидетельство опыта и профессионализма, достичь которых под силу только целеустремленным и настойчивым, таким, как подчиненные офицера Набиева.

С. НИКОЛАЕВ.

ЙЎРИҚНОМА КУЧГА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қ. Ғуломов ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов 2003 йилнинг 30 сентябрь куни **«Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун қўшимча имтиёзлар берадиган тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани кучга киритиш ҳақида»ги** 646/241 сонли қўшма Буйруққа имзо қўйишди.

Ушбу Буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари (полковник М. Аҳмедов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари (Ш. Аюпов) зиммасига юклатилди.

Буйруқ Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бош штабининг Бош бошқармалари, бошқармалари, бўлим ва хизматлари бошлиқларига, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарларига, Ҳарбий округлар қўмондонларига, марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм командирларига ва Давлат тест маркази директорига жўнатилди.

Мазкур Буйруққа илова газетамизнинг 3-саҳифасида эълон қилинмоқда.

ТАҲРИРИЯТ.

Синовларга тайёр алоқачилар

Катта лейтенант Содиқ Хуррамов командири қилаётган алоқачилар бўлинмасида тайёргарлик даражаси, касбий малакаси ошиб бораётган аълочи мутахассислар, профессионаллар сони ойдан ойга, йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Яқинда бўлиб ўтган оператив тактик машғулотлар эса буни яна бир бор исботлади. Дала шароитида узлуксиз алоқани таъминлашда, радиоалоқа воситалари билан намунали тарзда ишлашда кичик сержантлар — Комил Ражабов, Турғун Авлоқулов, Альберт Ҳайдаров, Санжар Бегимов, Гўзал Бурҳонова, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Шоира Зокироваларнинг ҳиссаси, айниқса катта бўлди.

Бугунги кунда алоқачи посбонлар яна бир муҳим довондан ўтишга ҳозирлик кўришмоқда. Ўқув мавсуми якуний синов машғулотларида фаол иштирок этиш, барча тайёргарликлар бўйича «яхши» ва «аъло» баҳоларни қўлга киритиш уларнинг асосий мақсади, орзуси.

— Ҳарбий жамоамиз аъзолари синов-имтиҳонлардан муваффақият билан ўтиб, Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишади, — дейди катта лейтенант С. Хуррамов.

Майор Н. АЗИМОВ.

Сайёрамиз саҳоси • Пульс планеты

Израиль открыл свои планы о строительстве более 600 новых домов в израильских поселениях. Правительство разместило тендер на строительство зданий в трех поселениях на оккупированных территориях на Западном берегу.

***

Стабильность, суверенитет и территориальная целостность Ирака должны быть достигнуты через демографический процесс при первостепенной роли ООН. Об этом говорится в резолюции, принятой Парламентской ассамблеей Совета Европы. В этой резолюции также содержится обращение к правительствам всех 45 стран—участниц Совета Европы поддержать идею о решающей роли ООН в процессах, происходящих в послевоенном Ираке, а также выступить за скорейшее предоставление стране суверенитета и переход контроля над природными ресурсами Ирака в руки иракского народа.

***

Госсекретарь США Колин Пауэлл заявил, что Соединенные Штаты «обеспокоены» строительством Израилем стены на Западном берегу. «Президент продолжает считать, что стена является ярлемой», — сказал Пауэлл журналистам по поводу заграждения, которое, как говорит Израиль, должно предотвратить проникновение террористов-смертников и которое палестинцы уже прозвали «Берлинской стеной».

***

Генеральный секретарь ООН Кофи Аннан заявил, что новая резолюция по Ираку не соответствует его рекомендациям по поводу быстрой передачи власти внутреннему иракскому правительству. «Очевидно, они не пошли по направлению, которое я рекомендовал, однако мне необходимо ее дальнейшее изучение», — сказал Аннан журналистам после заседания СБ ООН.

***

Пакистан провел испытания баллистической ракеты класса «земля—земля» «Хатф III Газнави». Испытание прошло успешно, сообщает телеканал Би-би-си.

***

Северная Корея заявила, что переработала 8 тыс. отработанных ядерных стержней еще в июне. Как передает Центральное телеграфное агентство Кореи, власти сообщают, что улучшили технологию переработки плутония из стержней в возможное ядерное оружие.

***

Премьер-министр Джон Ховард заявил, что не сожалеет о вмешательстве Австралии в войну в Ираке, несмотря на доклад США о том, что ОМП в Ираке так и не найдено. Доклад был приготовлен советником ЦРУ Дэвидом Кеем. Ховард, в свою очередь, отметил, что не берется судить США, пока расследование Кея не будет закончено.

***

Президент Филиппин Глория Макапагаль Арройо намерена повторно выдвинуть свою кандидатуру на президентских выборах. Как сообщил советник президента Норберто Гонсалес. Арройо уже решила баллотироваться. однако он не знает, когда будет объявлено об этом решении.

***

На филиппинском острове Минданао в мечети взорвана бомба. Об этом сообщили местные военные. По предварительной информации, погибли по меньшей мере три человека. Многие люди пострадали. Как сообщил глава полиции города Мидсаяп, по предварительной версии, бомба была брошена проходившим мимо неизвестным.

***

Леонид Кучма не намерен принимать участие в следующих выборах президента Украины и идти на третий срок. Об этом Кучма сообщил на пресс-конференции в Киеве.

(По страницам Интернета).

● ОБУНА-2004

„Ватанпарвар“ газетаси мушторийларига

Республикамизда 2004 йил учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Газетамизга обуна бўлсангиз, унинг саҳифаларида доимий равишда бериб бориладиган мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар, қисм ва бўлинмалар ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги мақолалар, жангчиларимизни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбиялаш борасидаги мунтазам лавҳалар, очерклар билан танишиб борасиз.

Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.

«Ватанпарвар» газетасига обуна республикада жойлашган барча почта алоқа бўлимларида, матбуот тарқатувчи жамиятларда ва матбуот киоскаларида қабул қилинади.

Нашриёт манзили: Тошкент—31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй. Мўлжал: «Отель Гранд Мир» (собиқ «Россия» меҳмонхонаси).

Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.

МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

БИРИНЧИ МАРТА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАЗО ЎТАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини либераллаштириш, улар билан тарбиявий ишларни такомиллаштириш, бу ишда жамоатчилик ва фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

қарор қиламан:

1. Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар 2004 йилнинг 1 февралига қадар бўлган муддатда қолган жазо муддатини ўташ учун ўтказилсинлар;

унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар — умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига;

ўта оғир жиноят содир этганлар — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) икки ойлик муддатда ушбу масалада барча зарур чоратадбирларни амалга оширсин ва Бош прокуратура (Р. Қодиров) билан биргаликда мазкур Фармоннинг 1-банди ижросини таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин.

3. Бош прокуратура (Р. Қодиров) Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Адлия вазирлиги (А. Полвон-зода) билан биргаликда, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш ҳамда уни ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақидаги таклифларни бир ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва тақдим этсинлар.

4. Мазкур Фармон ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 сентябрь.

«БИРИНЧИ МАРТА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАЗО ЎТАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига биноан, биринчи марта қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар содир этган шахслар умумий тартибли, ўта оғир жиноятлар содир этганлар эса, муқаддам судланганларга тенглаштирилган ҳолда, қаттиқ тартибли колонияларда жазо муддатини ўтамоқдалар.

Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланганларни нисбатан чеграланган шароитда ва шу билан бирга муқаддам судланган шахслар билан бирга сақлаш, кўпинча, уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар одатда, уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида қайта тарбияланишига ижобий таъсир кўрсата оладиган, нисбатан мустаҳкамроқ оилавий ва бошқа фойдали ижтимоий алоқаларга эга бўладилар. Аммо, қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўтаётиб, улар, амалдаги қонунчиликка биноан, умумий тартибли колонияларда жазо ўтаётганларга нисбатан қариндошлари ва яқинлари билан бирмунча кам мулоқотда бўлиш (учрашув, посилка, йўқлов олиш, телефон орқали сўзлашиш) ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, биринчи марта судланганларнинг узоқ муддат давомида жазони ижро этиш жойларида бир неча маротаба жазо ўтаган шахслар билан бирга бўлишлари ҳамда бу муҳитда муқаддам судланганларнинг таъсири кенг бўлиши, уларда келгусида жамият учун зарарли дунёқараш ривожланишига шарт-шароит яратади.

Баён этилганлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колонияларида, ўта оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса — умумий тартибли колонияларда ўташлари мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига ҳамкорликда, бир ойлик муддатда, тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берилди.

Бир вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, жиноят содир этган шахсларга судлар томонидан тайинланган жазоларни камайтириш ёки бошқа тарзда енгиллаштириш бўйича Конституцияда кўзда тутилган ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳозирда жазо ўтаётган, биринчи марта судланган шахслардан унча оғир бўлмаган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этилганларни умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига, ўта оғир жиноятлар учун эса — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Ўта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгаяди.

Юқорида қайд этилган шахсларни енгилроқ тартибли колонияларга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади.

ҚОНУН — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ТАЯНАДИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида, жумладан, одил судловни амалга оширишда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакатда амалга оширилаётган янгиланишларнинг таркибий қисми бўлиб, тугал суд тизимини шакллантириш, уни кадрлар билан ва молиявий таъминлаш, судлар ва судьяларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтиришга йўналтирилди. Бу ислоҳотлар биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд тартибида ҳимоя қилиш кўламини кенгайтириш, суд ишларини юритиш процессуал тартибини такомиллаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон қонунларини дунё стандартлари ва принципларига мослаштиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди.

Жиноятларни таснифлаш (классификациялаш) мезонлари тубдан ўзгартирилди. Илгари ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар категорига фақат озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар киритилган эди. Янги қонунга кўра қасддан содир этилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланиши назарда тутилган жиноятлар ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят категорига киритилди.

Иқтисодий зарар етказиш билан боғлиқ қатор жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги қатъий белгиланганлиги жазо чораси сифатида иқтисодий санкцияларни кучайтириш билан бирга озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазоларни қўллаш имкониятини кенгайтирди. Мисол учун Тошкент ҳарбий округ ҳарбий суди ҳарбий хизматчилар — Ю. Зайцев, А. Ли, У. Ходихўжаевлар ўзларига ишониб топширилган мулкларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликлари ва етказилган моддий зарарни тўлиқ тўлаганликлари учун уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Энг асосийси, суд томонидан жазога маҳкум қилинганларнинг аксарияти оиласи, жамоаси бағридан юлиб олинмаяпти. Шуни таъкидлаш керакки, одатда оиласи ва жамиятдан ажратилмаган ҳолда жазони ўтаганлар, озодликдан маҳрум қилинганларга қараганда кам ҳолларда такрорий жиноят содиб қиладилар.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш чегараси қамайтирилиш билан бирга тасодифан жиноят содир қилган шахслар жиноят оқибатида етказган зарар ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш рағбатлантирилди.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» тўғрисидаги боб ҳуқуқшунослик фанидаги ва қонунчиликдаги мутлоқ янги институтдир. Ушбу институтни миллий қадриятларимизда мавжуд бўлган кечиримлилик, ўзаро мурosa, тотув яшаш каби фазилатларимизнинг ҳуқуқий нормага айланиши, деб ҳисобласак тўғри бўлади.

2003 йилда шу кунга қадар Ҳарбий суд томонидан 6 та ярашув тўғрисидаги материаллар кўрилиб, тарафлар ўзаро ярашганликлари, етказилган моддий зарарларни қоплаганликлари сабабли жиноят ишлари ҳарақатдан ётқизилган. Жумладан, ҳарбий хизматчилар М. Сухов ўзига бириктирилган УАЗ—3303 русумли автомашинани йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасдан бошқариб, фуқаро Г. Касяновани уриб юбориб, унинг баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 298-моддаси 1-қисмидаги, Ф. Насретдинов фуқаро А. Искандаровнинг юз соҳасига мушти билан уриб, унинг баданига соғлиги бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст етказиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисмидаги, Ж. Дурманов фуқаро Р. Пиримқуловнинг 80.000 (саксон минг) сўмлик мулкини фирибгарлик йўли билан эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 1-қисмидаги жиноятларни содир этганлик материаллари бунга мисол бўлади.

Янги қонуннинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда белгиланган шартларга риоя қилинган тақдирда, жиноят ишини тугатиш тергов ва суд идораларининг ҳуқуқи эмас, балки уларнинг процессуал мажбуриятларига айланди. Бу эса, ўз навбатида инсон ҳуқуқлари тантанасининг ёрқин бир тимсолидир.

Ҳуқуқий механизмнинг айнан шундай ўрнатилиши янги қоиун нормасининг тўлақонли ишлашига имконият туғдирди. Қонуннинг самарадорлиги эса, унинг ҳуқуқ идоралари мансабдор шахслари томонидан нечоғлик тўғри қўлланишига боғлиқдир..

Ярашув институтининг ижтимоий аҳамияти жуда катта. Чунки, жиноятларнинг олдини олишда шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашнинг афзаллигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Жиноят содир қилган шахснинг жабрланувчи билан ярашганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилиниши нафақат унинг ўзи, балки унинг фарзандлари ва яқинлари учун ҳам катта маънавий аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда қонун устуворлиги, ижтимоий адолат фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Адлия подполковниги Д. ШАМСИЕВ.
Тошкент ҳарбий округ Ҳарбий суди раиси

Кейин пушаймон бўлмаслик учун

Ўз тажрибамдан яхши биламан. Ҳарбий хизматчиларнинг айримлари жиноят содир этишгач, пушаймон бўлишади. Ҳар хил жиноятлар содир этишади, қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетишади, буйруқни бажаришдан бўйин товлашади, ўтирлик қилишади, сафдошига тан жароҳати етказишади. Ана шундай чоғда ишлари судга оширилгач, минг бора тавба-тазарру қилишади.

Тўғри, қонунларимиз кейинги пайтда одиллашяпти, либераллашяпти. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, қонунларимизда инсонпарварлик тамойиллари устунлик қиляпти.

Бироқ, бу «жиноят содир этавер», дегани эмасда.

Ҳарбий хизматчи Жамолиддин Рўзиев ўз хизмат жойидан ташқарида фуқаро Шерзод Ҳасанов билан жанжаллашиб қолиб, унга тан жароҳати етказади. Жиноят содир этилади. Иши судга оширилади. Судда Жамолиддин ўз қилган ишидан роса пушаймон эканлигини изҳор этди. Лекин, ўзингиз айтинг, ана шундай воқеадан кейин ҳамма иш қилган хатосини тушуниш, пушаймонлик билан жой-жойига тушиб кетадими?

Кейинги пушаймон ўзингга душман, деган гап бор. Қилган ишни қилмасдан аввал унинг оқибати ҳусусида ўйлаб кўриш керак. Кейин фойдаси йўқ.

Бу билан нима демоқчиман? Қонунларимизга, умумҳарбий низомларга қатъий риоя қилиб хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ҳеч қачон қоқилмайди.

Адлия майори Умид МИРЗАЕВ.

Мактаб бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари капитан Саъдулло Ваҳобов ҳар бир машғулот олдидан барча машғулот ўтувчиларни йиғиб, улар билан обдон суҳбатлашиб олади. Уларга зарур кўрсатмалар беради. Эҳтиёж бўлса, ўз тажрибасидан сўзлаб беради. Кимдадир савол туғилса, биргаликда жавоб излашади.

— Ҳар бир машғулотга ҳар томонлама тайёр ҳолда кирган ўқитувчи ўзи ҳам қийналмайди, тингловчиларни ҳам қийнамайди, — дейди у.

Шу боисдан ҳам улар тайёрлашаётган сержантлар хусусида фақат ижобий фикрлар билдирилмоқда.

Александр МРУЧАК олган сурат.

А ПРЕДУПРЕДИТЬ-ТО — ЛЕГЧЕ...

Прием и ввод в строй молодого пополнения были, есть и будут оставаться одними из важнейших задач в жизнедеятельности каждого воинского коллектива. Вот почему для работы с начинающими воинами командиры частей стремятся направить наиболее опытных офицеров и младших командиров. Но, к сожалению, бывают и исключения из этого устоявшегося правила, которые порой влекут за собой пагубные последствия.

Откомандировывая в администрацию сборов младшего сержанта (теперь уже бывшего) К. Норбоева, командование не удосужилось изучить его профессиональные и моральные качества, и как результат такой халатности — уголовное дело в отношении этого горе-командира и шесть лет лишения свободы.

По-своему воспринял Норбоев право командовать подчиненными, а значит, иметь над ними определенную власть. Вместо чуткого уважительного отношения к младшим товарищам, он свое «наставничество» начал с неуставных взаимоотношений. Наиболее ярко проявлялись они в отношении рядового Б. Хусенова, на которого Норбоев, как говорится, заимел зуб. Необоснованные придирки к молодому солдату следовали одна за другой. Но ведь известно: сколько веревочке ни виться, конец все равно будет. Не остались безнаказанными и действия Норбоева: за нанесение тяжких телесных повреждений он оказался на скамье подсудимых.

Казалось бы, возмездие свершилось и можно ставить точку в этой грустной истории. Но председатель военного суда майор юстиции Бокижон Яҳёев не стал ограничиваться лишь вынесением столь сурового приговора, поскольку отчетливо осознавал: данной трагедии вполне можно было бы избежать, проявя командиры в нужный момент больше внимания и усердия при выполнении своих служебных обязанностей. С определенной категорией офицеров состоялся предметный разговор, главная тема которого — выяснение причин случившегося.

— Определить степень наказания — дело не хитрое, — говорит майор Яхёев. — куда важнее предотвратить противоправные действия, и в этом мы видим свое основное предназначение.

Действительно, профилактика, если она поставлена на должную основу, способна помочь избежать многих нежелательных явлений. Именно на это и направлена основная деятельность председателя военного суда и его коллег. Они довольно частые гости в воинских коллективах, где ведут большую разъяснительную работу с личным составом. Не так давно, к примеру, состоялась научно-практическая конференция «Изучение причин преступлений, совершенных офицерами и военнослужащими по контракту, и принятие мер по их недопущению», вызвавшая большой резонанс. Способствуют сокращению числа преступлений и заседания выездных судов, разъяснение положений Уголовного кодекса, вынесение частных определений командирам. Как видим, арсенал предупреждающих мер обширен, и майор Яхёев стремится использовать его в полном объеме, поскольку болезнь, как известно, легче предупредить...

Подполковник Ярослав КОРУКА.

ПОСБОН НОМИГА ДОҒ ТУШИРМАНГ

Қўшинларнинг доимий юксак жанговар тайёргарлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳарбий Низом талабларига мувофиқ қўшинларнинг махсус хизматларини тўғри ташкиллаштириш ва аниқ бажаришдир.

Қўшинларнинг кундалик ҳал этиладиган кўпгина турли-туман ва мураккаб вазифалари қаторида тинч шароитларда ҳам жанговар топшириқларни бажаришга қаратилганлари ҳам муҳимдир. Бунга жанговар навбатчилик ва чегара хизматлари билан бир қаторда қоровуллик (соқчилик) хизмати ҳам тааллуқлидир.

Бугунги кунда қўшинларнинг жанговар фаолияти тури сифатида қоровуллик (соқчилик) хизматига жуда юксак талаблар қўйилмоқда.

Уларга қўриқлаш ва мудофаа учун биринчи даражадаги муҳим объектлар, жанговар байроқлар, қурол-аслаҳа омборлари, ҳарбий техникалар, бошқа ҳарбий ва давлат объектлари, шунингдек, гауптвахтада ва интизомий қисмда сақланаётган шахсларни қўриқлаш ишониб топширилган. Мазкур объектларнинг қўриқланиши мамлакатимиз мудофаа қудрати ва армиянинг доимий жанговар тайёргарлиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Суд амалиёти айрим ҳолларда ҳарбий қисм командирлари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган умумий ҳарбий-ҳуқуқий тартиботнинг етарли даражада олиб борилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Бу ҳолатлар ҳарбий хизматчиларнинг умумҳарбий Низомлар талабларини билмаслигига, оқибатда қоровуллик хизматини ўташ қоидаларини бузиш каби ҳуқуқбузарликларни содир қилинишига олиб келмоқда. Баъзи ҳолларда ҳуқуқбузарликни содир этган айрим ҳарбий хизматчилар ҳар хил турдаги интизомий жавобгарликлардан ташқари жиноий жавобгарлик ҳам мавжуд эканлигидан хабардор эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 291-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда «Қоровуллик (соқчилик) хизмати Низом қоидаларини қоровуллик таркибига кирган шахс томонидан зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, башарти мазкур қоровул бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса, — икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд уч ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) баданга оғир шикаст етказилишига;

б) одам ўлишига;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари ҳукмларига кўра, юқорида кўрсатилган жиноятни содир этган ҳарбий хизматчилар айбдор деб топилиб, турли хилдаги жазоларга тортилганлар. Жумладан, ҳарбий суд ҳукми билан оддий аскарлар Д. Яқубов, Г. Қудратовлар ҳарбий қисм бўйича қоровул хизматида бўлиб, ноқонуний тартибда кичик сержант Дилмурод Рисбоевнинг қонунга зид буйруғи билан оддий аскар Ободулла Охунжонов ва фуқаро Ҳакимовларни ўз постларида қисм-алоқа омборхонасига киргазиб-чиқариб юборишиб, ўз ҳаракатлари билан зарарли оқибатларнинг олдини олишга тайинланган бўлишларига қарамай, жуда кўп миқдордаги суммани ташкил қилган ҳарбий мулк нобуд бўлиши, яъни зарарли оқибатлар келтириб чиқариб, қоровул хизматини ўташ қоида-талабларини бузиб, судланганлар.

Маълумки, қоровуллик хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш ҳисобланади ва шахсий таркибдан ушбу Низомнинг барча қоидаларига тўла амал қилишни, юксак ҳушёрлик, бўкилмас матонат ва ташаббускорликни талаб этади. Қоровул хизмати жангчиларининг юқори даражадаги маънавий-жанговар руҳда тарбияланишига ёрдам беради, уларнинг жанговар қобилиятини оширувчи жиддий мактаб ҳисобланади. Шундай экан, бу вазифага катта масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Адлия майори Илҳом ЕРМОНОВ,
45-Ҳарбий интизомни бузгани ва маъмурий қонунбузарлик учун ҳарбий хизматчи шахсан жавобгардир.

Ҳарбий хизматчи томонидан ҳарбий интизом бўзилганда ёки маъмурий қонунбузарлик содир этилганда командир (бошлиқ) унинг масъулияти ва ҳарбий бурчи тўғрисида огоҳлантириш билан чекланиши мумкин, зарурат тақозо этганда эса интизомий таъзир бериши мумкин. Бунда у берилган таъзир интизомни мустаҳкамлаш ва ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш чораси сифатида содир этилган ноўрин хатти-ҳаракати оғирлиги ва қилинган айби даражаси командир (бошлиқ) томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра мос келишини инобатга олиши керак.

«Интизом» низомидан.

ЯРАШ — ЖИНОЙ ИШНИ ТУГАТДИ

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаяпти. Шулардан бири сифатида Олий Мажлиснинг 2001 йил 29 августдаги сессиясида қабул қилинган Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги қонунини келтириб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши орқали жиноят содир этган шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашга устувор аҳамият берилган. Шу билан бирга бу жиноий қилмишни таснифлаш ва жазо белгилаш тизимига жиддий ўзгартиришлар киритди. Ўз навбатида одил судловнинг жазо тайинлаш амалиётига ижобий таъсирини кўрсатди.

Бунга яққол мисол қилиб ҳозирги ярашув ишларини келтирсак бўлади. Илгари бу турдаги ишлар бўйича ҳатто жабрланувчининг даъвоси бўлмаса ҳам айбдор шахс жазо олиши мумкин эди.

Н-сонли ҳарбий қисм кичик сержанти Э. А. уйига етиб олиш мақсадида фуқаро М. С.нинг шахсий автомашинасини ёллаб, йўлга чиқадилар. Манзилга етиб боришганларида кичик сержант Э. А.нинг ёнида пули бўлмаганлиги сабабли ўртада жанжал кўтарилади. Асабини жиловлай олмаган кичик сержант фуқаронинг юзига бир шапалоқ уриб, енгил тан жароҳати етказади. Шундан сўнг фуқаро М. С. машинасини воқеа жойида қолдириб, отасини олиб кетишга уйига қочиб кетади. Бундан фойдаланган кичик сержант машинага катта миқдорда моддий зарар етказади.

Судда айбланувчи кичик сержант Э. А. ўз айбини бўйнига оларкан, жабрланувчининг даъвосида жон борлиги, фақат ўшанда вазиятга тўғри баҳо бера олмагани, қилмишидан қаттиқ изтироб ва пушаймонда эканлигини, муҳими, воқеа содир бўлган кунининг эртасигаёқ келтирган моддий зарарини қоплаб, фуқаро М. С. билан ярашиб олганлигини ва кечиришларини сўради.

Жабрланувчи фуқаро ҳам дастлабки тергов жараёнида судланувчи кичик сержант келтирган моддий зарарини тўлиқ қоплаганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, ўзаро келишиб, ярашиб олганликларини ўз аризасида таъкидларкан, ушбу жиноят ишни ҳаракатдан тўхтатишни сўрайди.

Ишни ўрганиб чиққан Чирчиқ ҳарбий суди судланувчи ва жабрланувчиларнинг ярашганлиги, ўзаро даъволари йўқлигини аниқлаб, ярашув институтига мувофиқ ишни ҳаракатдан тўхтатади. Бу билан ғаслик оқибатида билмасдан жиноят содир этган инсоний судланган деган тамға босилишининг олди олинди.

Келтирилган мисолдан ҳам кўриниб турибдики, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши кўп жиҳатдан инсонпарварлик тамойилларига қаратилган.

Адлия капитани Баҳодир НОСИРОВ,
Чирчиқ ҳарбий судининг судьяси.

Военно-политические новости

ПЕРВЫЕ ПОТЕРИ КАНАДЦЕВ

В афганской столице Кабул при взрыве фугаса погибли два канадских миротворца, и еще три человека получили ранения. Это первые жертвы среди миротворческих сил Канады с момента отправки Оттавой войск в Афганистан в августе.

ДО СЕРЕДИНЫ 2030-Х ГОДОВ

Первый заместитель начальника Генштаба генерал-полковник Юрий Балуевский заявил, что тяжелые ракеты УР100Н-УТТХ могут находиться на боевом дежурстве в ракетных войсках стратегического назначения до середины 2030-х годов. «Стратегические ракеты УР100Н-УТТХ, о которых сообщил президент России, являются одними из самых мощных. Это тяжелые ракеты (длина ракеты 24 метра, диаметр 2,5 метра, вес (с топливом) 103,4 тонны, — «Газета. РУ»), способные нести до десяти ядерных боевых блоков, имеющие серьезную систему преодоления ПРО», — сообщил он журналистам. Владимир Путин на совещании военного руководства в Москве сообщил, что «Россия располагает несколькими десятками тяжелых ракет УР100Н-УТХХ, которые еще ни дня не находились на боевом дежурстве».

В ОБМЕН НА...

Советник генерального секретаря ООН Кофи Аннана по Северной Корее Морис Стронг заявил, что Пхеньян готов отказаться от разработки своей ядерной программы в обмен на гарантии безопасности. Об этом Стронг сообщил журналистам после переговоров с заместителем министра иностранных дел КНДР Чо Су Хоном. «Чо дал мне понять, что его страна готова заморозить свою ядерную программу и согласиться на проведение международных инспекций, но основной вопрос, который волнует Пхеньян, — вопрос безопасности», — заявил советник Аннана.

ПОЧЕМУ НЕ СНЯТА САНКЦИЯ?

Заместитель госсекретаря США, крупнейший эксперт по Латинской Америке Роджер Норига заявил, в ходе заседания комитета Сената США по международным делам, что Куба занимается «ограниченными» разработками биологического оружия. «Мы предполагаем, что Гавана занимается, по меньшей мере, «ограниченными» разработками биологического оружия и может передать результаты своих исследований другим государствам», — заявил дипломат, отвечая на вопрос сенатора-демократа о том, почему Вашингтон до сих пор не снял санкции с Кубы, в то время как, по утверждению Колина Пауэлла, Гавана не представляет угрозы для США.

ОБЕЗГЛАВИЛИ ДВОИХ И...

В Афганистане талибы напали на колонну автоцистерн, перевозивших бензин из столицы страны Кабула на военную базу США в провинции Пактика. Об этом сообщил пресс-секретарь американского командования в Афганистане. По его словам, талибы обезглавили двоих сопровождавших автоколонну и взяли в плен еще четверых. Никаких других подробностей он не сообщил. Также, по словам пресс-секретаря, к северу от Кандагара было совершено нападение на машину, перевозившую военных афганских сил безопасности. По некоторым данным, на военных напали 16 активистов движения «Талибан». В результате атаки были убиты 10 солдат, а также двое детей, которые находились в автомобиле вместе с отцом, военным.

КТО РАЗГЛАСИЛ ИМЯ...

Расследование утечки информации об агенте ЦРУ вышло за пределы этого ведомства и Белого дома. Как сообщает департамент юстиции США, в деле появились новые фигуранты — сотрудники государственного департамента и министерства обороны. Американский минюст обратился к этим ведомствам с просьбой сохранить записи телефонных разговоров, электронные письма и другие документы, которые могут пролить свет на это дело. Пресс-секретарь государственного департамента Сьюзен Питтмен уже заявила, что ее ведомство готово сотрудничать со следователями. Целью расследования является установить, кто разгласил имя агента ЦРУ Валери Плем, которая является экспертом по оружию массового поражения.

(По страницам Интернета).

● ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

БИЗНИНГ ЖАНГОВАР МЕҲНАТИМИЗ, ЮҚОРИ БИЛИМ ВА МАҲОРАТИМИЗ — СЕНГА, ОНА — ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 8—9 октябрь кунлари Қуролли Кучларимизнинг барча қисм ва бўлинмаларида «Якуний синовларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топшириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзу бўйича ижтимоий-сиёсий билимлар ягона кунини ўтказиш командирлар, тарбиявий ишлар органлари учун ҳарбий хизматчиларнинг доимий равишда ҳарбий касбий билимларни эгаллаб, ўз малакалари ва жанговар маҳоратларини такомиллаштириб боришлари, барча куч ва билимларини мустақил Ватан ҳимояси ишига сарф қилишлари ҳамда якуний синовларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширишлари учун муҳим эслатма ва самимий тилак бўлади.

Ушбу муҳим ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган мавзу бўйича машғулотларни ўтказишга қисм ва бўлинмаларнинг раҳбарлар таркибини, энг яхши ижтимоий-сиёсий гуруҳлар раҳбарларини жалб этиш лозим.

Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари замонавий босқичда, уларнинг асосий вазифалари ва йўналишлари.

2. Якуний синовларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топшириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир.

Қисқача **кириш сўзида** тингловчиларга яқинда ўз мустақиллигининг 12 йиллик айёмини нишонлаган Ватанимиз ўз ривожланишининг янги тарихий даврига — мамлакатда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини қуриш даврига кирганлигини эслатиб ўтиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти ва бутун халқимиз олдида ҳеч қачон бугунги кунда ҳал қилишимизга тўғри келаётган бундай кенг миқёсли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий вазифалар турмаган.

Ўн икки йиллик мустақиллик йиллари мобайнида биз байроғига юракдан чиққан — мустақиллик, озодлик, демократия сўзлари битилган жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини яратдик. Биз эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион ва ҳуқуқий негизларини яратдик. Биз давлат ва жамият, иқтисодиёт, молия, пул муомаласини ўзгартириш, ва бошқаришнинг янги тизимини қурдик. Биз ўзимизнинг тарихий ва маънавий бойликларимизни қайта тикладик. Биз мустақил ташқи сиёсат курсимизни шакллантирдик ҳамда жаҳон ҳамжамиятида унинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида мустаҳкам ўрин эгалладик. Биз ўз мустақиллигимизни, Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армиямизни қурдик. Шундай юксак ютуқларга эришиб, биз ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан ишонч билан олға бормоқдамиз.

Биринчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, давлатимизнинг янада ривожланиб боришида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX, X, XI, XII сессиялари, уларда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг қилган нутқ ва маърузалари катта, принципиал аҳамиятга эга бўлди. Улар ҳозир ҳам бизда мамлакат фаровонлиги ва Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини янада ошириш борасида янги фикр, ғоялар туғилишига ҳизмат қилмоқда. Мамлакатдаги янги маънавий-ахлоқий вазият, ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жаҳон ва минтақадаги мураккаб ҳарбий-сиёсий ҳолат олдимизга янги, янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда, уларни ҳал қилиш учун эса ақл-фаросат ва куч-қувватга зўр бериш, мураккаб ҳарбий механизмнинг барча бўғинларида уюшқоқлик ва интизомни янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Якунланиб бораётган ўқув мавсуми вазифаларини ҳал этиш ҳам айнан шу руҳда олиб борилмоқда.

Машғулот раҳбари тингловчиларга ушбу ўқув йили учун Мудофаа вазири томонидан қўйилган вазифаларни ҳамда якуний синовларга тайёргарлик кўришда қандай масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қисқача эслатиб ўтади.

Шунингдек, тингловчиларга 2002-2003 ўқув йилининг жанговар шиори **«Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, касбий маҳоратни изчил такомиллаштириш, қонунлар ҳамда умумҳарбий Низомлар талабларига қатъий риоя этиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти»** эканлигини эслатиб ўтиш зарур. Ушбу шиоримизда бизнинг вазифаларимиз ва асосий йўналишларимиз белгиланган. У — бизнинг жанговар компасимиз. Биз бу компас бўйича қандай бордик, қандай вазифаларни ҳал қилдик ва яна нималар қилишимиз зарур — бугунги суҳбатимиз ана шулар ҳақида.

Шуни таъкидлаш зарурки, бугун биз тўлиқ ишонч билан ҳозирда Қуролли Кучларимиз мустақил давлатимиз ривожининг янги босқичига тўлиқ мос келадиган босқичда эканлигини айтишимиз мумкин. Президентимиз И. А. Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган маърузасида таъкидлаганидек, **«Пировард натижада биз бугунги кунда Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг ўзимизга хос моделини яратдик ва уни ҳаётга жорий этмоқдамиз, десак, тўғри бўлади. Шу асосда Қуролли Кучларимизнинг давлат қурилиши тизимидаги роли, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда».**

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз бир неча йил аввалгига умуман ўхшамайди. Улар нафақат ташкилий тузилиш жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ўзгарди. Эндиликда улар ўзларининг конституцион белгиланишларига, олдиларида турган вазифаларни, жанговар қўллаш усулларига, жанговар маҳорат талабларига ҳамда дунё ва минтақадаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият хусусиятларига тўлиқ маънода жавоб беради.

Мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. А. Каримов ташаббуси ва раҳбарлиги остида амалга оширилаётган Қуролли Кучларимиз ислоҳоти ҳаёт, биз яшаётган давр талабларига қатъий мос равишда олиб борилмоқда. Яна шуни таъкидлаш муҳимки, бу талаблар диққат-эътибор билан, ижодий ёндашилган ва келажакни кўзлаган ҳолда ҳисобга олинмоқда. **Ҳарбий ташкилотимизнинг ўзига хослиги ва қудрати ҳам ана шундадир.** Юқорида таъкидлаб ўтилганларнинг барчаси — ҳарбий кадрларимизнинг кўп қиррали меҳнатлари самараси. Мудофаа вазирининг талабларини бажара бориб, замонавий жангда зарур бўладиган вазифаларни ўрганиб бораётган офицер, сержант ва аскарларимизнинг фидокорона меҳнати натижасидир. Бунинг учун қисм ва бўлинмаларимизда сифатли жанговар тайёргарлик учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Биз жангчиларимизни замонавий жанговар техника ва қуроляроғларни ҳамда жанг олиб боришнинг энг янги усулларини пухта эгаллашга ўргатмоқдамиз. Бунда аскар ва сержантлар нафақат ўз қуролларини, шунингдек, взвод, гуруҳнинг барча қуролларини яхши билишлари, алоқа ва транспорт воситаларидан фойдаланишни ўрганишлари керак. Барча расчёт, экипаж, бўлинма, гуруҳларда ўзаро бир-бирини алмаштириш тўлиқ маънода юзага келиши зарур.

Бизда ўқув, барча жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик асосий вазифамиз — қисм ва бўлинмаларнинг юқори жанговар шайлигини, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ҳар қандай босқичга, у қанлай тузилиш ва кўринишда бўлмасин, зарба беришга қодирлигини таъминлашга қаратилган.

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш ва янада такомиллаштириш, уларни энг замонавий ҳарбий техника ва қуроллар билан таъминлаш, жанговар тайёргарлик сифатини яхшилаш, тарбиявий ишларни кучайтиришнинг мазмун-моҳияти барча қўшинлар турларининг қисм ва бўлинмалари душманга зудлик билан жавоб зарбаси беришга доимо тайёр ҳолда бўлишларига қаратилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз хавфсизлигига реал таҳдидлар мавжудми? Ҳа, мавжуд. Ва биринчи навбатда, халқаро терроризм ва диний экстремизм томонидан. Антитеррористик коалиция кучларининг халқаро терроризмга қарши курашда Афғонистон ва Ироқда эришган муваффақиятлари бу муаммонинг жиддийлигини анча пасайтирди. Бироқ, бу ҳар қандай ҳолатда ҳам орамизда эътиборсизлик ва ҳушёрликнинг камайишига олиб келмаслиги керак. Биз доимо сергак, доимо жанговар шай ҳолда бўлишимиз лозим. Бу — бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Якунланиб бораётган ўқув йилидаги барча амалий фаолиятимиз ҳам ана шундан келиб чиқади. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

1. Ватанпарвар бўлиш, ўз Ватанини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш. Ҳарбий хизмат ва ватанпарварлик — ажралмас тушунчалардир, чунки ҳарбий хизмат — бу Ватанни ҳимоя қилиш касбидир. Ватанни, ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишдан бошқа фахрли ва масъулиятли вазифа йўқ. Ўз юртининг ватанпарвари, ўз халқининг ишончли ҳимоячиси бўлиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир.

2. Ўз касбий маҳоратини изчил такомиллаштириб бориш. Замонавий ҳарбий хизмат вазифаларини юқори касбий маҳоратсиз муваффақиятли ҳал этиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Шу сабабли ҳам ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ўз ишининг устаси, юқори касбий маҳоратга эга бўлиш, ўз билим ва малакаларини доимо такомиллаштириб боришдан иборат. Акс ҳолда — орқада қоласан ва ўз бўлинмангни орқага тортиб кетасан.

3. Қонунлар ва умумҳарбий Низомлар талабларига қатъий риоя қилиш. Ҳарбий хизматчи, сенинг бурчинг ва муқаддас мажбуриятинг ана шунда. Интизом — барча нарсаларнинг асоси, деб бекорга айтишмайди. У — жангдаги ғалабанинг асоси ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлари муваффақиятларининг пойдеворидир. Интизомда энг муҳими умумий тартибга, командир ва бошқаларнинг буйруқ, кўрсатмаларига бўйсуниш. Бу барча ҳарбий хизматчилар — у қўшинлар бошқарувининг юқори погонасида турган бошлиқми, ёки оддий аскарми — барча учун мажбурий бўлган мураккаб санъатдир.

Ана шундай аниқ ва равшан тамойил-кўрсатмаларга эга бўлиб, ҳар бир ҳарбий хизматчи Ватанни ҳимоя қилиш бўйича ўз олдида турган барча вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Иккинчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, тингловчиларга **якуний синовлар — бу моҳият жиҳатидан Мудофаа вазири томонидан 2002—2003 ўқув йили учун қўйилган вазифалар комплекси бўйича имтиҳон ёки текширув синови** эканлигини эслатиб ўтиш лозим. Шунинг учун ҳам якуний синовларга тайёргарлик — олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Якуний синовларга тайёргарлик ҳамда уларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топшириш муаммоси ҳозирда алоҳида аҳамият касб этмоқда, зеро унинг натижалари жангчиларнинг ҳозирги кунда барча қисм ва бўлинмаларимиз тайёргарлик кўришни бошлаган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 12 йиллик айёмига муносиб совғаси бўлиши лозим.

Якуний синовларга тайёргарлик қайси йўналишлар бўйича амалга оширилиши ҳамда командирлар, штаблар, тарбиявий ишлар органларининг эътибори биринчи навбатда қандай вазифаларга қаратилиши зарур?

Асосий эътибор бошқарув соҳасига қаратилиши лозим, деган тарихий тажриба билан исботланган аксиома бор. Нега бундай? Маълумки, ҳарбий қарама-қаршиликда бошқарув соҳаси доимо ақл-идрок, фикр, маънавий етуклик ва касбий маҳоратнинг мураккаб кураши билан характерланган. Олдимизда масъулиятли имтиҳонлар турган бир вақтда, **командирлар, штаблар тарбиявий ишлар органларининг вазифаси якуний синовларга киритилган барча масалалар комплекси бўйича офицерлар тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратишдан иборат.** Бу иш қайси йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим?

1. Аввало, офицерларнинг касбий тайёргарлиги йўналиши бўйича. Ҳозирданоқ офицерлар тайёргарлиги аҳволини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиб чиқиш ҳамда уларнинг ҳар бирига принципиал баҳо бериш зарур. Ҳар бир қисм, бўлинмада нафақат аниқланган камчиликларни йўқотиш, шунингдек офицерларнинг ҳам индивидуал тайёргарликдаги, ҳам бўлинма таркибида дастур бўйича ишлаш жараёнидаги муваффақиятларини янада ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни йўқотиш чораларини белгилаш керак. **Офицерларнинг шахсий касбий тайёргарликдаги ижобий интилишларига барқарор характер бериш ва мустаҳкамлаш зарур.** Бўйруқ ва кўрсатмаларда белгилаб қўйилгачидек, юқори касбий маҳорат, олинган билим ва малакаларнинг мустаҳкамлиги, бўлинмани бошқариш маҳорати, юқори даражадаги ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, шахсий намуна ва ижро интизомининг юқори савияси асосий йўналишлар бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир офицер, у қандай лавозимни эгаллашидан қатъи назар, доимо нафақат мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятларда яшаётганлигимизни, шунингдек биз **ҳарбий ислоҳотлар шароитларида** яшаб, меҳнат қилаётганимизни ёдда тутиши зарур. Бу эса олдимизда турган вазифаларни бажаришга алоҳида, масъулиятли муносабатни талаб қилади. Шу билан бир вақтда бу тафаккурда, офицер руҳиятида кескин ўзгаришларни, бир хилликдан, бепарволик ва сустқашликдан воз кечишни талаб қилади.

2. Шахсий таркибнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигига эътиборни янада кучайтириш йўналиши бўйича. Ҳар бир офицерни қўл остидагилар билан ишлашни кучайтиришга йўналтириш зарур. Ҳар бир аскарнинг тайёргарлик ҳолатини ўрганиб чиқиш, сержантлар тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда белгиланган режаларга мувофиқ аскар ва сержантларга керакли услубий ёрдам бериб бориш лозим. Шунингдек, уюшқоқликни оширишга, машғулотлар, консультациялар, машқларни ўтказишда аниқлик, пухталикка эришиш максадга мувофиқдир. Ўқув ва дам олиш вақтининг ҳар бир дақиқасидан якуний синовларга тайёргарлик кўриш учун фойдаланиш зарур.

3. Шахсий таркиб орасида тушунтириш ишларини олиб боришга эътиборни кучайтириш йўналиши бўйича. Аввалари қисқа кўрсатма ёки аниқ буйруқ билан кифояланиш мумкин бўлган жойда ҳозирда **ишонтириш ва тушунтириш талаб этилади.** Билимларнинг чуқурлиги ва у ёки бу муаммо, масаланинг моҳиятини тўғри англашга эришиш учун тушунтириш ишлари доимо зарур. Ҳар бир сержант ва аскар нафақат ўзи ва бўлинмаси олдида турган вазифаларни тушуниши ва англашига, шунингдек яқинлашиб келаётган, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган имтиҳонлар моҳиятини чуқур ҳис қилишига эришиш даркор.

Тажрибалар кўрсатишича, мақсадлар аниқ белгиланган, конкрет чора-тадбирлар ва уларга эришиш йўллари ишлаб чиқилган ҳамда бу чора-тадбирлар изчил ҳаётга татбиқ қилинаётган жойда ҳарбий жамоалар, одатда, жанговар ўқув ва ҳарбий интизомда юқори натижаларга эришмоқдалар.

4. Қисм ва бўлинмалар ихтиёрида бўлган ўқитишнинг барча восита, шакл ва усулларидан фойдаланиш йўналиши бўйича. Бу воситаларни қўллаш кўлами ҳар доимгидан-да кенгроқ бўлиши лозим. Аскарларимиз ҳар томонлама — ақлий, ҳарбий-касбий, маънавий-руҳий ва жисмоний жиҳатдан ривожланган бўлиши кераклигини ёддан чиқармаслик зарур. Шунинг учун ҳам барча ўқув машғулотлари, машқлар, регламент ишлари, техник викториналар ва техника билими бўйича мусобақалар, жанговар ўқув илғорларининг тажрибаси, босқичма-босқич гуруҳларга қарши қураш бўйича жанговар тажриба, ўқув майдони, танкодром, аэродромдаги, жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматдаги вазифаларни яхшилаб ўрганиш — барчаси якуний синовларга тайёргарлик кўришга йўналтирилиши лозим. Буларнинг барчаси офицерлар, сержантлар ва аскарларнинг ҳарбий касбий билимларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши керак.

5. Ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлаш йўналиши бўйича. Ҳар бир офицерни қўл остидагилар билан ишлашни кучайтиришга йўналтириш зарур. Ҳар бир аскарнинг тайёргарлик ҳолатини ўрганиб чиқиш, сержантлар тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда белгиланган режаларга мувофиқ аскар ва сержантларга керакли услубий ёрдам бериб бориш лозим. Шунингдек, уюшқоқликни оширишга, машғулотлар, консультациялар, машқларни ўтказишда аниқлик, пухталикка эришиш максадга мувофиқдир. Ўқув ва дам олиш вақтининг ҳар бир дақиқасидан якуний синовларга тайёргарлик кўриш учун фойдаланиш зарур.

3. Шахсий таркиб орасида тушунтириш ишларини олиб боришга эътиборни кучайтириш йўналиши бўйича. Аввалари қисқа кўрсатма ёки аниқ буйруқ билан кифояланиш мумкин бўлган жойда ҳозирда **ишонтириш ва тушунтириш талаб этилади.** Билимларнинг чуқурлиги ва у ёки бу муаммо, масаланинг моҳиятини тўғри англашга эришиш учун тушунтириш ишлари доимо зарур. Ҳар бир сержант ва аскар нафақат ўзи ва бўлинмаси олдида турган вазифаларни тушуниши ва англашига, шунингдек яқинлашиб келаётган, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган имтиҳонлар моҳиятини чуқур ҳис қилишига эришиш даркор.

Тажрибалар кўрсатишича, мақсадлар аниқ белгиланган, конкрет чора-тадбирлар ва уларга эришиш йўллари ишлаб чиқилган ҳамда бу чора-тадбирлар изчил ҳаёт-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

Экономика. Наука. Техника

ПИВО БЕЗ РАКА

В Германии изобретено пиво, способное бороться с онкологическими заболеваниями и даже побеждать их.

Об этом заявила группа ученых из Технического университета Мюнхена. Правда, испытания пива на людях, больных раком, еще продолжаются. Продукт поступит в продажу уже в ближайшие месяцы. По словам ученых, «суперпиво» отличается от обычного тем, что содержит в десять раз больше ксантохумола — антиоксиданта, который замедляет рост раковых клеток. При этом вкус пива, его крепость и калорийность остаются прежними. Теорию немецких ученых подтверждают их американские коллеги из университетов штатов Орегон и Южная Каролина, которые согласны с тем, что ксантохумол способен бороться с раком, как и содержащийся в пиве хмель, а заодно помогать при болезнях Паркинсона и Альцгеймера. Однако это не означает, что для лечения или профилактики этих заболеваний можно пить обычное пиво, которое также содержит ксантохумол и хмель.

Ведь для получения дозы, содержащейся в одной бутылке нового пива, надо выпить десять бутылок обычного, что в конце концов может привести к пивному алкоголизму и другим болезням.

ИЗВИЛИНА ЗАШЕВЕЛИЛАСЬ

В ходе сложнейшей операции на мозге 42-летнего китайца хирурги испытали настоящий шок: после того, как врачи вскрыли черепную коробку, одна из мозговых извилин зашевелилась. Оправившись от потрясения, хирурги увидели, что в мозге больного находится живой 9-сантиметровый червь. Житель города Люодинг попал в больницу с подозрением на серьезное психическое заболевание. Однако результаты обследования показали, что виной всему был червь. По мнению врачей, в мозг беспозвоночное попало из-за чрезмерной любви пациента к традиционной китайской кухне — змеям и лягушкам, которые часто бывают заражены паразитами.

ЁМҒИР МАШИНАСИ

Эдинбург университети профессори Стивен Солтер Буюк Британияда биринчи бўлиб «Ёмғир сотувчиси» номига эга бўлди. У ёмғир ишлаб чиқарадиган машина ўйлаб топди. Ўз тажрибасини бир оз қўпол деб ҳисоблаган Солтер машина учун ҳукуматдан 163000 доллар миқдоридаги маблағни ундиришга муваффақ бўлди. Профессорнинг фикрича, 60 метрли кувурни чўл зоналарига жойлаштириш лозим. Кучли шамол ёрдамида айланаётган қувур дарё сувини симириб, папка айлантиради-да, атмосферага чиқаради. Натижада ҳавода булутлар ҳосил бўлади. Ушбу машина тажрибаси муваффақиятли тугалланса, 1 м намлик анча арзонга тушади. Маълумки, айни пайтда бундай ишни электр токи ёрдамида амалга оширишади. Янги кашфиёт эса уни тежашга ёрдам беради.

КЛОНИРОВАНИЮ — ЗЕЛЕНУЮ УЛИЦУ!

После длительных дискуссий и судебных разбирательств британские власти дали разрешение на проведение опытов по клонированию человеческого эмбриона. Такая возможность была предоставлена группе ученых из Рослинского университета в Эдинбурге, которые несколько лет назад поразили человечество первым клонированным существом — овечкой Долли. Теперь у руководителя проекта Яна Уилмута и его коллег другая задача: познать тонкости партеногенеза, иначе говоря, непорочного зачатия, который отмечен у отдельных видов насекомых и рептилий и позволяет зародышу развиваться из неоплодотворенной яйцеклетки.

По мнению ученых, от результатов исследований во многом зависит борьба с некоторыми неизлечимыми заболеваниями и генетическими мутациями.

ҚУЁШЛИ МИНОРА

Австралиянинг Мельбурн шаҳрида жойлашган «Энвайромишн» энергетика компанияси дунёдаги энг катта қуёшли минорани қуриш ниятида.

Бу тажриба қуёш энергиясидан фойдаланиш мақсадида ташкил этилмоқда. Компаниянинг ҳисоб-китобларига кўра, 2006 йилга бориб минора тайёр бўлади ва 200000 дан ортиқ уйларни энергия билан таъминлайди.

(По страницам Интернета).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ ҲАМДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ 2003 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДАГИ 646/241 СОНЛИ ҚЎШМА БУЙРУҒИГА

ИЛОВА

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН ФУҚАРОЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРАДИГАН ТАВСИЯНОМАЛАР ТОПШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги **«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»**ги 227-сонли Қарорининг 3-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлдаги **«Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Низомни тасдиқлаш тўғрисида»**ги 342-сонли Қарорининг 6-моддасига асосан ишлаб чиқилган ва у муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кириш учун қўшимча имтиёзлар берадиган тавсияномаларни бериш тартиби ва шароитларини белгилайди.

2. Тавсияномалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган фуқароларга ўзлари хизмат қилган ҳарбий қисм командирлари томонидан берилади.

3. Муддатли ҳарбий хизматчига тавсиянома бериш ҳақида қарор тўғридан-тўғри бошлиқ (взвод ёки ундан катта бўлинма командири) томонидан ҳарбий хизматчининг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича эришган натижаларига асосан қабул қилинади. Бу ҳақда ижобий қарор қабул қилинса, тўғридан-тўғри бошлиқ ҳарбий хизматчига тавсиянома бериш лозимлиги тўғрисида ҳарбий қисм командирига мурожаат қилади. Ҳарбий қисм командирининг қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматчига тавсиянома бериш масаласи ҳарбий қисм шахсий таркибининг умумий йиғилишида кўриб чиқилади. Муддатли ҳарбий хизматчига тавсиянома берилиш вақтида ҳарбий қисм қўмондонлиги шахсий таркибнинг фикрини инобатга олган ҳолда қарор қабул қилади.

4. Муддатли ҳарбий хизматчига тавсиянома берилганда, ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатидан ўчириш тўғрисидаги ҳарбий қисм командири буйруғига қуйидаги мазмунда модда киритилади: **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскар ва сержантлар таркиби муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»**ги 227-сонли Қарорининг 3-моддасига асосан _____ (ҳарбий унвони, исми ва шарифи) **ўз бурчини виждонан бажарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга киришга имтиёз берадиган тавсиянома олишга сазовордир».**

Тавсия қилинувчи ҳарбий гувоҳномасининг **«Алоҳида қайдлар»** қисмига қуйидаги мазмунда ёзув киритилади: **«Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга киришга қўшимча имтиёз берадиган _____ сериялн ___ сонли тавсиянома 200___йил «___» _____да берилади».** Ёзув ҳарбий қисм муҳри ва штаб бошлиғи ҳамда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарининг имзоси билан тасдиқланади.

Тавсиянома муддатли ҳарбий хизматчига **у хизматдан бўшаётганида** бошқа ҳужжатларига қўшиб, тантанали равишда топширилади.

5. Тавсияномалар белгиланган шаклда тайёрланади ва қатъий ҳисоб варақаси ҳисобланади. Тавсияномалар ҳарбий хизматдан бўшаган хизматчиларга берилгандан сўнг ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан қатъий назоратга олиниб, ҳар йилнинг июнь—декабрь ойларида ҳарбий хизматдан бўшаган хизматчилар рўйхати, берилган тавсияномалар сони, серияси ва рақами юқори қўмондонликка ҳисобот тариқасида юборилиши шарт.

6. Тавсиянома ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматдан бўшатилиши кунидан бошлаб 3 йил муддатга бир марта берилади ва абитуриент томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш пайтида фойдаланилади. Тавсияномани қайта бериш амалга оширилмайди.

7. Ҳарбий хизматдан бўшатилиш кунигача интизомий жазолари мавжуд бўлган ҳарбий хизматчиларга тавсиянома берилмайди.

8. Тавсиянома олий таълим муассасасининг қабул ҳайъатига бошқа ҳужжатлар билан биргаликда абитуриент томонидан тақдим этилади. Абитуриент ўқишга кирмай қолган тақдирда тавсиянома қабул ҳайъати томонидан шахсан унинг эгасига шахсий имзоси қўйилгандан сўнг қайтариб берилади.

TAVSIYANOMA AK 000000

Berildi _____ ga,
(harbiy xizmat, familiyasi, ismi va sharifi)

19___ yilda tug'ilgan, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida _____ yilning _____ oyidan _____ yilning _____ oyigacha _____ harbiy qismda muddatli harbiy xizmatni o'tagan.

Ushbu tavsiyanomaning egasiga O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 22-maydagi 227-sonli Qarorining 3-moddasiga muvofiq respublika oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirayotganida test sinovlarida to'planishi mumkin bo'lgan eng ko'p ballning 20 foizi miqdorida qo'shimcha imtiyoz berilsin.

Tavsiyanoma harbiy qism komandirining 200___yil "___" _____dagi _____ sonli buyrug'iga asosan berildi.

Tavsiyanoma berilgan kundan boshlab uch yil mobaynida haqiqiy hisoblanadi.

M.O. _____
(harbiy qism, muassasa nomi)

_____
(harbiy qism komandirining imzosi, familiyasi, ismi va sharifi)

200___yil "___" _____

(Олд томон)

Tavsiyanoma O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 22-maydagi "O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining oddiy askarlar va serjantlar tarkibida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan harbiy xizmatchilarga qo'shimcha imtiyozlar berish to'g'risida"gi 227-sonli Qaroriga va Mudofaa vaziri hamda Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2003-yil 23-iyundagi 412/151-sonli "Muddatli harbiy xizmatni o'tagan fuqarolarga ta'lim yo'nalishlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish uchun beriladigan qo'shimcha imtiyozlar tartibini tasdiqlash to'g'risidagi qo'shma buyrug'iga asosan oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kiruvchi, harbiy xizmat davrida jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlikda yuqori natijalarga erishgan muddatli harbiy xizmatni o'tagan fuqarolarga beriladi.

Tavsiyanomalarni topshirish harbiy qismning umumiy yig'ilishida muhokama qilinib, harbiy xizmatchini tavsiflovchi ma'lumotlarning to'g'riligi uchun javobgar bo'lgan mansabdor shaxslar tomonidan harbiy qism komandirining buyrug'i asosida amalga oshiriladi.

O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim muassasalari va Davlat test markazi rahbarlari mazkur Qarorning bajarilishini ta'minlashlari lozim.

(Орқа томон)

ЖАЖЖИЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Фарзанд тарбияси, келажак авлодга эътибор ҳамма даврда ҳам ўзига хос ўринда турган. Давр талабига мос равишда таълим ва тарбия берилган. Учинчи минг йиллик болаларига қўйилган талаб эса бугун янада теран. Айниқса, бизнинг мустақил юрт фарзандлари жаҳонга юз тутаётган Ватанимизни юксак давраларда бўй кўрсатиши учун камолот йўлида қаддини тик тутмоғи шарт. Бу борада элимиздаги барча илму урфон ўчоқлари уларга мунтазир. Фарзанд тарбияси туғилган ондан бошланади, деган гап бор халқимизда. Шу сабабли, эндигина атак-чечак қилиб йўл юрган болаларимизни мутахассис тарбиячи қўлида таълим ва тарбия олиши учун боғчаларга берамиз. Фарзандларимизни соғлом тарбия топишида уларга суянамиз. Республикамиздаги минглаб мактабгача таълим муассасалари ичида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги болалар боғчаларининг ҳам ўз ўрни бор. Турли вилоятларда жойлашган ҳарбий гарнизонларга қарашли йигирма битта бу тарбия масканларида ҳарбий хизматчиларнинг икки мингдан зиёд фарзандлари камолга етмоқда. Ҳар йили мана шу Мудофаа вазирлиги мактабгача таълим муассасалари мудирлари ва услубчилари учун услубий ўқув йиғини бўлиб ўтади. Бу йил ушбу тадбир Андижон гарнизонига қарашли 38-болалар боғчасида бўлиб ўтди. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан амалга оширилган бу йиғин ўзига хос байрамона тусда ўтди. Гуллар ва шарлар билан безатилган боғча ҳовлисида республикамизнинг барча ҳарбий боғчаларидан ташриф буюрган азиз меҳмонлар — мудира ва услубчиларни ҳарбий оркестр садолари остида мезбонлар қарши олишди. Шу билан бирга, бу ерда тадбир ташкилотчиларидан бўлган Мудофаа вазирлиги маданий ишлар хизмати ва Офицерлар марказий уйи бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиев, Мудофаа вазирлиги маданий ишлар хизмати бошлиғи ўринбосари подполковник Мақсуд Абилов, Мудофаа вазирлиги ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Моҳида Атабоева ҳамда Андижон гарнизонидан ҳарбий вакиллар ҳозир бўлишди. Услубий ўқув йиғини подполковник Тўйчиевнинг кириш сўзи билан очилди.

Ташриф буюрганлар ўзбекона бир пиёла чой устида 38-болалар боғчаси жажжиларининг бадиий чиқишларидан баҳраманд бўлишди. Тарбияланувчилар шеър ва қўшиқлар ижро этиб, турли миллат вакилларининг рақс гулдасталарини меҳмонларга намойиш қилишди. Ўқув йиғини кўнгилли кириш қисмидан сўнг белгиланган асосий дастур бошланди, яъни таълим-тарбия йўналишида боғчаларда амалга оширилган ижобий ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, келгусидаги режалар юзасидан бир қатор мавзуларда маърузалар тингланди. Ишдаги хато ва камчиликларнинг сабабларига ойдинлик киритилиб, танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқарилган ҳолда ўзаро фикр алмашилди.

Услубий ўқув йиғинининг асосий мақсади мактабгача таълим муассасасининг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини, ушбу соҳа вакилларининг масъулияти ва касб маҳоратини оширишга қаратилган. Шу сабабли, йиғинда 2002—2003 ўқув йилида қилинган услубий ишларнинг ҳисоботи тингланди ва амалга оширилиши лозим бўлган янги иш режаси асосида мудира ва услубчиларга «Учинчи минг йиллик боласи» ўқув қўлланмалари тарқатилди. Шунингдек, услубий ўқув йиғини қатнашчилари Нодира Ғаниева мудиралик қилаётган 38-болалар боғчаси тарбияланувчилари билан ўтказилаётган амалий машғулотларда ҳам иштирок этишди. Машғулотлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириб, тажриба алмашишди.

Куннинг иккинчи ярмида ўқув йиғини иштирокчиларига маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратилди. Улар Андижон шаҳридаги бир қатор зиёратгоҳ жойларда бўлиб, маданий ёдгорликлар билан танишишди.

Ўқув йиғинининг иккинчи куни ҳам ишчанлик руҳида бошланди. Таълим ва тарбия ҳамда таъминот соҳасидаги келгуси ишларга катта аҳамият берилиши ҳар бир маърузада таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ушбу кун мудира, услубчи ва тарбиячилар учун унутилмас дақиқалар бўлди ҳам. Услубий ўқув йиғинига ташриф буюрган Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов йиғин қатнашчиларининг фидокорона меҳнатларини юқори қадрлаб, ўзининг самимий тилакларини билдирди. Шу билан бирга, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан ушбу соҳанинг элликдан зиёд вакиллари Мудофаа вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари, гилам, соат, чинни сервислар каби бир қатор қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Бу қадр ва эътибордан уларнинг қалбларидаги қувонч ва фахр юзларида барқ уриб турарди.

Ҳеч биримизга сир эмаски, нафақат мактабгача тарбия муассасаларида, балки ўрта таълим даргоҳларида ҳам асосий бўғинни аёлларимиз ташкил этмоқда. Бу ҳолат эса ёш авлодга мукаммал таълим ва тарбия бериш масъулиятини уларнинг зиммасига янада устуворроқ юклайди. Бу масъулиятли вазифани уддалаш йўлида уларнинг фидойи меҳнатларида омад тилаб қоламиз.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● **ТУҲФА**

Муҳаббатим Ватанга

Ишим эмас вафо тилаш, давосидан даво тилаш,
Кўксим узра ёмғир ёғди, ёш аралаш, тош аралаш.
Ул ёшларни сидирмасман, кўнгил хатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.
Қумри сирли овоздадир, оғочлари пардоздадир,
Бундан баҳор мангу кетмас, майса, гиёҳиноздадир,
Ижозатимни бермасман, ҳидоятимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.
Чап кўксимда сайроқи қуш учишлари сафолидир,
Санчишлари маънолидир, кўз ёшлари даъволидир.
Унингла ишқ ҳақидаги дил суҳбатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.
Нахуш вужуд шаҳри ичра залолат йўқ, маломат йўқ,
Ғанимлардан енгилмоқ йўқ, умидимга тамомат йўқ.
Ғафлатнинг тиканзорига гул сифатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.
Унингсиз тўкилган сутман, унингсиз эзилган тутман,
Унингсиз буғдойи пишиб, унутилган бир ҳудудман.
Муҳаббатсизлар солса чанг тароватимни бермасман
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.
Фақат у деб кечсам жондан, оҳ демасман, воҳ демасман,
У деб кечсам бор имкондан, оҳ демасман, воҳ демасман.
Аллоҳнинг ёдила кечган хуш лаззатимни бермасман,
Ватандан бошқасига мен муҳаббатимни бермасман.

Зулфия МЎМИНОВА.

Ботирларинг бор бўлсин!

Катта йўлга чиқди
зўр карвон,
Мустақиллик —
Оллоҳдан инъом.
Шу ҳурликка садқа
бўлсин жон,
Етказайлик уни
соғ-омон.

Ботирларинг қўлласин,
элим.
Темурларинг ўтгани
рост-ку!
Туғилган-ку,
Мангубердилар.
Керак бўлса озодлик
учун —

Ўғлонларинг жонларин
берар,
Ботирларинг туғилсин,
элим.
Ботирлари бор эл хор
бўлмас,
Хайру садақага зор
бўлмас.
Билиб қўйсин дўсту
душманлар,
Мунофиқлар бизга ёр
эмас.
Ботирларинг кўпайсин,
элим.

Баланд ҳилпирайди
туғимиз,
ҲУМО юксак бўлсин
парвозинг.
Олға бошлар
Президентимиз —
Атрофига жипслашар
элим,
Ботирларинг улғайсин,
элим.

Обид СЎФИХОНОВ.

Есть в Ташкенте райский уголок

Столицу нашу с высоты птичьего полета вы можете увидеть в уникальном городском парке культуры и отдыха имени Мирзо Улугбека. Первое чувство, которое вы ощутите, — это то, что вы попали в царство природы, в местечко, насыщенное обогащенным кислородом, где много деревьев различных пород и цветов различных оттенков.

Недавно и я заглянул сюда. Собирался на часок, а остался на полдня.

В запущенном ранее уголке природы создан образцовый городской парк культуры и отдыха для жителей Ташкента и многочисленных гостей столицы. Здесь настоящее раздолье для молодежи, для детей. Впрочем, для людей всех возрастов.

Постоянно посещают парк воспитанники школ-интернатов и детских домов. По заведенному в парке порядку им выдается официальный документ на бесплатное пользование всеми 18 аттракционами.

С удовольствием приходят сюда и пожилые люди — ветераны войны и труда. Вот и в этот день я встретил здесь много знакомых ветеранов-сослуживцев. Все они высказали искреннюю признательность и благодарность в адрес руководства парка и записали свои отзывы.

Частыми гостями парка бывают офицеры, военнослужащие по контракту с семьями, сержанты и солдаты, находясь в увольнении. Здесь они отдыхают, набираются сил, здоровья, получают хороший заряд бодрости, что пригодится им в нелегком ратном, воинском труде.

Обойдя весь парк, побывав на стадионе и в стрелковом тире, тренажерном зале, водном бассейне, решил посмотреть на Ташкент с высоты, воспользовавшись аттракционом «Обзор города». Удобно устроившись в кресле, я впервые увидел столицу с высоты птичьего полета. И... позавидовал им, птицам. Они всегда все видят. А мы, в сутолоке будней, торопясь на работу, пересаживаясь с трамвая на автобус, с автобуса — в троллейбус или в метро, порой не замечаем нового Ташкента, похорошевшего за годы независимости.

В прошедший летний сезон парк имени Мирзо Улугбека очень обогатил свою программу разнообразными мероприятиями. Так, недавно здесь прошел международный «Экофестиваль-2003». За умелую организацию и безупречное его проведение коллектив парка был награжден дипломом фонда «Экосан», а за четкую организацию мероприятия «Камалак-2003» коллективу парка была объявлена благодарность Главного управления народного образования столицы.

Не так давно здесь было проведено одно из интереснейших мероприятий «Престижное лето». Состоялся интереснейший концерт современной музыки и прошлых лет. Дети рисовали мелом свои рисунки на отведенной площадке. Жюри определило победителей. Был проведен конкурс песни молодых исполнителей, затем состоялось выступление талантливых острословов-шутников города.

Простившись с парком, с его гостеприимными хозяевами, переступив порог прекрасного уголка здоровья, я мысленно подытожил результат своей «экскурсии» и пришел к выводу, что этот маленький земной рай восстанавливает силу духа, дает бодрость телу, укрепляет моральные и физические силы, поддерживает жизнерадостное настроение и желание с полным напряжением сил трудиться на благо процветающего независимого Узбекистана.

Ю. СУМАРОКОВ,
ветеран Второй мировой войны, майор в отставке.

«ТЕШИКТОШ»: ҲАЙРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Сурхон воҳасидан топилаётган археологик ёдгорликлар жаҳон қадимшуносларини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Бундан олтмиш беш йил бурун Бойсуннинг Мачай қишлоғи яқинидаги Тешиктош ғоридан топилган неандерталь бола суяклари бутун дунёда катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

Мамлакатимиз археологлари хорижлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда шу йилнинг ёзида Тешиктош ғорларида илмий текширишлар олиб бориб, янги топилмаларга дуч келди.

Ғорларнинг биридан 26 номдаги муҳим тарихий ёдгорлик топилди. Улар, асосан, 4—5 минг йил давомида яхши сақланган одам суяклари ва иш қуролларидан иборат. Ушбу топилмалар олис аждодларимизнинг яшаш тарзи, меҳнат шароитини янада чуқур ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

«НАФИС» ЯЛТАДАН ҚАЙТДИ

Украинанинг Ялта ва Алушта шаҳарларида «Ялта—2003» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган ушбу мусиқа байрамида 27 мамлакатдан борган фольклор дасталар ўз халқларининг миллий урф-одатлари, қадриятларини ифодаловчи қўшиқлар, лапарлар, рақслар ижро этди.

Фестивалда Ўзбекистон фольклор санъатини «Ўзбекрақс»нинг Бухоро вилоят бўлими ҳузуридаги «Нафис» дастаси намойиш этди.

— Санъаткорларимизнинг ҳар бир чиқишларини мухлислар илиқ қаршилади, — деди «Нафис» дастаси бадиий раҳбари Ботир Рустамов. — Хонанда ва раққосаларимиз Бухоро, Хоразм, Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятларининг ўзига хос, бетакрор лапарлари, қўшиқлари, рақсларини маҳорат билан ижро этиб, махсус диплом билан тақдирланди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ҒАРОЙИБ ДЕНГИЗ ЖОНЗОДЛАРИ

(Давоми. Боши 117-сонда).

Бундан ташқари текширишлар асаб ҳужайраларнинг зичлиги, қатлар, оралиқлар, буришиқ ва бурамалар сони ҳам одамникидек (агар кўп бўлмаса!) эканлигини кўрсатди. Худди шунинг учун олим дельфинлар ақл жиҳатидан бизнинг биродарларимиз деган фикрга келиб, ушбу фаразни текширишни бошлаб юборди. Дельфинларнинг тили, ақл-идрокини ўрганишнинг такомиллаштирилган дастури билан ишлай бошлаган нейрофизиолог кўп ўтмай исталган натижаларни қўлга киритди. Унинг гувоҳлик беришича, бир куни дельфин аниқ-равшан қилиб «Олл райт! Летс гоу!» («Жуда яхши! Давом этамиз!») деган. Тадқиқотлар ушбу жонзодларнинг одамлардан ўн баробар тез «гапириши»ни, сўзларни бизнинг тушунишимизга қулай суръатда талаффуз эта олишларини ишонарли тарзда кўрсатаётгандек. Ҳатто компьютер инсон нутқини тезлаштириб, жонзодга ўрганиш бўлиб қолган ҳуштак даражасига етказганда у оддий буйруқларни тезда ўзлаштириб олган.

Мана, АҚШнинг Гавайи штати университетидан бир хабар. Руҳшунос Луис Херман икки дельфинчани икки хил сунъий тилга ўргатган. Биринчи тил компьютер томонидан синтез қилинган ҳуштаксимон товушлардан, иккинчиси эса қўл ва бармоқлар ишораси асосида шакллантирилган белгилардан ташкил топган. Ҳар бир тилда 35 сўз, грамматика қоидалари асосида ҳосил қилинган мингдан ортиқ ибора бўлган. Маълум бўлишича, дельфинлар оддий гапларни тўғри ва тескари тартибда англар эканлар. Масалан, «Тўр саватга!» дея оғзаки буйруқ берилганда, жонзодлар балиқ тутадиган тўрга ёпишиб, уни сават томон олиб боришган. «Сават тўрга!» дейилганда эса саватни тўрга олиб бориб ташлаганлар.

Жон Лилли дельфинлар ва уларнинг ғаройиб қобилиятлари ҳақида 14 та китоб ёзган. Олим бизларнинг ёнимизда яна бир цивилизация мавжудлигига шак-шубҳасиз ишонади. Унинг фикрича, миллион йилларга чўзилган сувости эволюцияси мобайнида ушбу цивилизация вакиллари уммонлар сирларини, олам қонуниятларини англаб етди, маданият, ўзига хос фан яратди. Ахборотларнинг бепоён хотирасида сақланади ва авлоддан авлодга оғзаки етказилади. Бундан ташқари, сувости цивилизациясининг уч ўлчовли (узунлик, кенглик, баландлик) кенгликларини ўзлаштириш унинг вакилларига эҳтимол тўртинчи ўлчов сари йўл очгандир.

Таниқли рус тадқиқотчиси, Халқаро денгиз терапияси ассоциацияси президенти Игорь Чарковский дельфинларнинг ўзлари орқали Ер аҳолисини янги генетик аҳборотлар билан таъминлайдиган олий даражадаги материя, юксак ақл эгаси билан алоқада эканликларига шубҳа қилмайди. Чарковскийнинг айтишича, одам ва дельфин орасидаги турлараро муносабат ҳатто эмбрионлар даражасида мавжудлиги ҳақида ишончли маълумотлар бор. Агар бўлғуси она ҳомиладорлик даврида дельфинлар билан сузиб, денгизда кўзи ёриса, ақлли жонзодлар чақалоқни дарҳол сафларига қўшиб, унга ўз қариндошларидек ғамхўрлик қилишади. Бундай болалар тенгдошларидан иммунитети юқорилиги, теварак-атрофдагиларга хайрихоҳлиги, ақлий ва жисмоний томондан тез ривожланиши, айрим ҳолларда ғайриоддий қобилиятлари билан фарқ қилади.

Жон Лиллининг тадқиқотларига кўп йиллар давомида айниқса россиялик олимлар ишончсизлик билан қараб келишди. Аммо бугун давр ўзгарди, матбуот орқали энди бутунлай бошқача фикрлар билдирилмоқда.

Бу нафақат чет эл фани ютуқлари қайта баҳоланаётгани, балки китсимонлар ҳаётини чуқурроқ ўрганаётган рус тадқиқотчилари қўлга киритаётган янги натижалар билан боғлиқдир. Бугунги кунда дельфин табиатнинг энг сирли мавжудотларидан бири эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Ушбу жонзодларнинг келиб чиқиши ҳамон аниқланганича йўқ. Улар барча китсимонлар сингари бола туғиб, уни сут билан боқишади. Демак, дельфинларнинг аждодлари қуруқликда яшовчи сутэмизувчилардан экан-да? Хўш, аниқроқ айтсак-чи? Шунга ишончли далиллар борки, ушбу сутэмизувчилар жуфттуёқлилардан бўлган. Ҳа, ажабланманг, дельфинларнинг энг яқин қариндошлари стеллер денгиз сигирлари ҳисобланади. Бахтга қарши тўла қириб ташланган ушбу жонзодларнинг олдинги куракоёқларида балиқ овловчилар туёқлар қолдиғини кўришган. Шунингдек, қон плазмасининг биокимёвий таркиби ҳам ушбу ғалати яқинликни исботлаётгандек...

Дельфинлар ҳаёти билимдонлари ҳам уларнинг тажрибалар учун зарур бўлган турли таъсирларга, ҳатто жарроҳлик амалиётларига ҳам ўта чидамлилигини, эксперимент ўтказаётганларга ҳеч ҳам ҳужум қилмаслигини таъкидлайдилар. Аслида ҳужум қилиш учун тўла асос ва имкон бор. Масалан, афалина дельфинида йўлбарс қозиқтишига ўхшаш тишдан 88 таси бор!

Яна бир жумбоқ — чучук сув муаммоси. Маълумки, чучук сувдан маҳрум бўлган барча сутэмизувчилар эртами, кечми, барибир ҳалок бўлишади. Хўш, унда дельфин шўр сувда қандай яшайди? Балки, ҳаёт учун зарур суюқликни майда балиқчалардан «сўриб» олар? Айрим мутахассисларнинг фикрича, дельфиннинг жуда ривожланган буйраги худди денгиз сувини чучуклаштирадиган қурилмадай ишлайди. Хуллас, дельфинлар билан боғлиқ жумбоқларнинг саноғи йўқ. Аммо улар ичидаги энг асосийси битта: уларнинг тили, ақли борми?

Бу масалада москвалик биоакустиклар—В. Марков ва В. Островскаялар ҳайратланарли хулосага келдилар. Улар эришган натижалар эса шов-шув қилишга арзийди.

Гап шундаки, инсон нутқи уч даражали мураккаблиқдан ташкил топган: овоз (ҳарф), бўғин ва сўз. Умуман сўзларни ўрни-ўрнига қўйиш, мувофиқлаштириш билан ҳар қандай фикрни ифодалаш мумкин. Дельфинларнинг ахборот-сигналлари эса тўртдан олти даражагача бўлган мураккабликда дея гумон қилинмоқда. Россия Фанлар академияси Океанология институти денгиз биоакустикаси лабораторияси ходимлари фикрича, дельфиннинг ушбу ўзига хос сигнализация тизими асосан Шимолий Америкада яшайдиган эскимос, ирокезлар каби қабилаларнинг қадимги тилини эслатади. Ушбу элатлар нутқининг бош негизи мисоли тил иероглифи каби от, сифат, феълни ўзида бирлаштиради. Бир сўз билан айтганда, ёйиқ, каттагина иборага тўғри келади. Жумладан, дельфинларда ҳам худди шундай: ахборот алмашишдаги асосий элемент — узун ҳуштак, яъни ўзига хос хабарлар блоки ҳисобланади. Айниқса шу томони қизиқки, сигналларнинг турли гуруҳида ушбу узун ҳуштакнинг бошланиши, охири бизнинг нутқимиздаги олд қўшимча, сўз ясовчи қўшимча, тугалланма сўзларнинг ўзагини ўзгартирмасдан турли маъно, мазмун касб этганидек бирбиридан фарқ қилади. Ва ниҳоят энг қизиғи, дельфинлар тарқатаётган сигналлар орасида инсон дастхатига хос айрим математик қонуниятларга дуч келишган. Бошқача айтганда, уларда «ибора—хат боши—параграф—боб» типидаги маъновий иерархиянинг аломатлари яққол сезилади. Шундай қилиб, ушбу сигналлар ораси қандайдир гап тузилиши тартибини эслатишига ҳечам шубҳа қилиб бўлмайди. Қолаверса, дельфинлар вақти-вақти билан ўзаро турли хил сигналлар алмашганларида, одам «улар ўзаро гаплашаяптилар», деган қатъий хулосага келади.

Хўш, «денгиз зиёлилари» билан мулоқотга киришиб бўладими? Бу саволга жавоб берар экан, биология фанлари доктори Всеволод Белькович жуда эҳтиёткорлик билан «Жудаям ишониш керак эмас... Ҳозирча шу нарса маълум: дельфинларни инглиз тилига ҳам, рус тилига ҳам ўргатиб бўлмайди», дейди.

Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, жуда афсусланарли... Унда бошқа денгиз жониворларини тилга ўргатишда балки омадимиз келар? Ҳар ҳолда бунга мисол бор: АҚШнинг Бостон шаҳридаги аквариумда Гувер лақабли тюлень яшайди. У одамларни кутиб олар экан, аниқ-равшангина қилиб «Хау ду ю ду?» («Ишлар қалай?») дейди. Улар ҳайратдан ўзларига келмасдан туриб Гувер «Энди жўнаб қолларинг, сизларни бу ерда бошқа кўрмай», дея бўкиради. Тўғри, бу жуда қўпол муомала, аммо, жуда катта таассурот қолдиради...

Русчадан
майор Н. АЗИМОВ
таржимаси.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Курашда қўлга киритилган зафар. 2. Илдизидан кўпаядиган ёввойи гиёҳ. 3. Ҳашаротнинг қуртдан кўпаядиган, тўла шаклланган даври. 4. Шеърий асар. 5. Ишчанлик. 6. Бошоқли экин ҳосили. 7. Катта элак. 8. Ҳосил уюми. 9. Сув остида дур изловчи. 10. Бамбукнинг яна бир номи. 11. Ўзгаларни алдашга уриниш. 12. Ноз, карашма. 13. Норозиликдан кўтарилган исён. 14. Нотаниш, ёт. 15. Атоқли ўзбек кино санъаткори. 16. Хитойнинг шимоли-ғарбидаги шаҳар, маъмурий марказ. 17. Торли мусиқа асбоби. 18. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 19. Мармар кони. 20. Музаффар.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар:

1. Зеб-зийнат буюмлари ҳунарманди — 7, 8, 10, 13, 8, 10.
2. Даволовчи — 14, 8, 11, 2, 15.
3. Қадимда ердан фойдаланганлик учун олинган солиқ — 5, 4, 12, 3, 1.
4. Мунозара — 9, 8, 14, 6.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофига рақамларда яширинган ҳикматли сўзни билиб олинг.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 117-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Мадрас. 6. Офицер. 9. «Тоттенхэм». 12. Матрица. 13. Отчопар. 14. Роман. 16. Эластик. 19. Мисра. 23. Укки. 24. Умар. 25. Омоним. 26. Маппар. 27. Амма. 28. Ойна. 29. Шингил. 31. Ремарк. 33. Аста. 34. Полк. 35. Майиз. 36. Автомат. 39. Болта. 43. Олабуға. 44. Сопалак. 47. Кроссворд. 48. Кесаки. 49. Ангара.

БЎЙИГА: 1. Метеор. 3. Старт. 4. Оттава. 5. Иншоот. 6. Омбор. 8. Ракета. 10. Сахалин. 11. Талиптин. 15. Олимпиада. 17. Локомотив. 18. Измайлова. 20. Ротапринт. 21. Сумалак. 22. Ярмарка. 30. Горилла. 32. Мудофаа. 35. Мастак. 37. Трасса. 38. Москва. 40. Андаза. 41. Обаки. 42. Танда.

ЕЙЛАР БЎЙИЧА: 2. Дўст. 7. Цирк. 45. Трос. 46. Арпа.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Хизмат борасида муаммолар бўлмайди. Командирлар ва сафдошлар билан яхши муносабатлар. Оилада бир оз келишмовчилик бўлиши мумкин. Аммо, вазият ҳафта охирига бориб яхшиланади. Хизмат сафарлари тавсия этилмайди. Ёлғизлик сизга қизиқарли фикрлар ва осойишталик келтиради. Сешанба, чоршанба ва якшанба — омадли кунлар.

БУЗОҚ. Дўстингиз яхши маслаҳат билан ёрдам беради. Оилада кўнгилдагидек муносабатлар. Сафдошлар ва қўл остидагилар билан муносабатларда ҳаммаси жойида. Узоқ сафарлар даромад келтириши мумкин. Маиший техника бузилиши ёки уй ҳақи ошиши эҳтимоли бор. Душанба, пайшанба ва шанба — сиз учун омадли келади.

ЭГИЗАКЛАР. Хизматни қонунлар, умумҳарбий Низомлар талаблари асосида давом эттирсангиз ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Яхшигина даромад келади. Жамоада обрўингиз ошади, қизиқарли ғоялар, янги режалар пайдо бўлади. Уй ва кўчмас мулк борасида бир оз қийинчилик бўлиши мумкин. Пайшанба куни омад сизга ёр бўлади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Катта харидлар қилиш тавсия этилмайди — улар муваффақиятсиз бўлади. Асосий иш бўйича даромад йўқ. Аммо қўшимча маблағ ёки кредит бўлиши мумкин. Сафдошлар билан муносабатларда ҳаммаси жойида бўлади. Уй ва кўчмас мулк борасида ёқимли воқеалар кутилмоқда. Сешанба ва чоршанба — сиз учун омадли кунлар.

АРСЛОН. Хизматда ва оилада яхши муносабатлар. Шахсий ҳаётда ҳам ҳаммаси жойида бўлади. Қаердадир узоқда сизнинг лавозимингиз ҳақида масала ҳал этилмоқда. Командирингиз хизмат сафарига кетиши мумкин. Хизматда муваффақиятга эришасиз. Бир оз қувватсизлик сезасиз. Алданишдан эҳтиёт бўлинг ва ўзингиз ҳам ёлғон гапирманг. Сешанба — сиз учун муваффақият келтирувчи кун.

ПАРИЗОД. Енгил даромадга эришасиз. Хизмат сафарлари ва музокаралар яхши ўтади. Уйда ҳам ҳаммаси кўнгилдагидек. Дўстлардан эҳтиёт бўлинг — улардан бири сизга тўғаноқ бўлиши мумкин. Командирларга ҳозирча мурожаат қилманг. Тилингизга эҳтиёт бўлинг. Сешанба ва жума — сизнинг омадли кунларингиз.

ТАРОЗУ. Хизмат сафарлари ва музокаралар муваффақиятли бўлади. Сафдошлар билан яхши, дўстона муносабатлар. Обрўйингиз тушишидан эҳтиёт бўлинг. Муҳим қарорлар қабул қилишни турмуш ўртоғингиз ёки шеригингизга юкланг. Маблағ борасида бир оз муаммо бўлиши мумкин. Душанба, жума ва шанбада омад сизга ёр бўлади.

ЧАЁН. Муҳим қарорлар қабул қилиш ва муносабатларни ойдинлаштириш тавсия этилмайди. Ҳозир баҳслашиш вақти эмас. Ҳарбий жамоангизда яхши, ишчан руҳдаги муносабатлар. Соғлигингиз яхши бўлади. Шахсий ҳаётда ёқимли воқеалар бўлиши кутилмоқда. Автомобиль ва компьютер борасида яхши ўзгаришлар бўлиши мумкин.

ЎҚОТАР. Хизматингиз яхши давом этади. Ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш лозим — шунда ҳаммаси жойида бўлади. Асосий ва қўшимча даромадга эга бўласиз. Хизматда муваффақиятга эришасиз. Соғлигингиз жуда яхши бўлади. Жамоада сафдошлар ва қўл остидагилар билан яхши муносабатлар. Сешанба, пайшанба ва жума — омадли кунлар.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада кўпроқ ҳиссиётларга қулоқ тутинг. Ҳамма нарсани кескин ўзгартириб юборишга ҳаракат қилманг ва «атрофимда фақат душманлар» деб ўйламанг. Умуман, ҳаммаси жойида ва сизнинг атрофингизда яхши одамлар. Фақат уларни ўз йўлингизга туширишга ҳаракат қилманг. Сешанба, чоршанба ва жума — сизга муваффақият келтирувчи кунлар.

ҚОВҒА. Хизматда шошма-шошарликка йўл қўйманг. Яхшигина қўшимча даромад келиши мумкин. Ҳарбий жамоангизда яхши муносабатлар. Сафдошларга эътиборли бўлинг. Дўстларга кўп ҳам ишонаверманг. Умуман, алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Сизга ҳам ёлғон гапириш тавсия этилмайди. Сизнинг омадли кунларингиз — чоршанба, пайшанба ва жума.

БАЛИҚ. Одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш лозим. Бундан ташқари, сизни яхши кўрувчи яқинларингизга илиқ сўзлар гапиришингиз ва муносабатингиз доимо яхши эканлигини эслатиб қўйишингиз зарур. Хизмат сафарига юборишлари мумкин. Сафдошлар билан яхши муносабатлар. Баъзи орзулар рўёбга чиқади. Сешанба, жума ва шанба — омадли кунлар.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0353.